# 2020 йилнинг 24 апрель куни УзР ФА да Онлайн конференция булиб утди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши ташаббуси билан 2020 йил 24 апрель куни “**XXI аср - интеллектуал ёшлар асри**” мавзусидаги Республика илмий ва илмий-назарий конференцияси Онлайн  тартибда бўлиб ўтди.
Конференция ишини ЎзР ФА Вице-президенти, ф.-м.ф.д., профессор Сирожиддин Зайниевич табрик сўзи билан очиб берди ва конференция иштирокчиларини Рамазон айёми билан табриклаб, анжуиан ишига муваффақият тилади.




Онлайн тартибдаги конференция ишига 100 дан ортиқ иштирокчилар қанташдилар. Ялпи йиғилишда ёш олимлар ўзларининг қизиқарли маъруза ва тақдимотлари билан иштирок этдилар:

1. Тошкент Давлат Стоматология институтидан Дилшод Абдукаримов. «**Физиология и патология слюнных желез**»;




2. Андижон вил. Балиқчи тум. 2-умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси Зухра Рахмонова «**Ижтимоий ва гуманитар фанларни ўқитилишида инновацион технологияларнинг ўрни ва роли**»;
3. ЎзР ФА Санъатшунослик институти таянч докторанти Азизхон Имамов «**Ўзбекистон рангтасвирида портрет жанрининг шаклланиш хусусиятлари**»;




4. Олий суд қошидаги судялар Олий мактаби бўлим бошлиғи Амирхон

Сиддиқов «Развитие цифровой экономики в Узбекистане: криптовалюты в платежных системах»;

5. Андижон Давлат Тиббиёт институти талабаси Хусанбой Олимжонов «Жинсий «Х» хромосомага бириккан ретсессив генларнинг частоталари»



Онлайн конференция қизғин савол-жавоблар ва бахс мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтди. Конференция якунида анжуман резолюцияси маъқулланди.